# АЙЁМ МУБОРАК, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
7 март
ШАНБА
№ 18 (12758)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

# ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Мунис ва муҳтарама онахонлар!

Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Барчамиз орзиқиб кутадиган, табиат чирой очиб бораётган мана шу илк баҳор кунларида, айни шу шукуҳли айёмда сиз, азиз қадрдонларимни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан самимий муборакбод этиш менга катта қувонч бағишлайди.

Биз ҳаётимизда турли-туман саналарни байрам сифатида кенг нишонлаймиз. Шулар қаторида кўнгилларимизга гўзаллик ва хурсандчилик, файзу таровaт олиб келадиган 8 март байрами алоҳида ўрин тутади. Бу байрам агарки ҳаётимизда бўлмаса, ана шундай байрамни албатта таъсис этиш керак бўларди.

Нега деганда, айни шу кунларда Яратганнинг буюк мўъжизаси бўлмиш сиз, муҳтарама аёлларнинг шаънига юрак-юрагимизда, қалбимиз тўрида бўлган энг самимий, энг олижаноб сўзларни, ҳурмат ва эҳтиром, меҳр-оқибат, севги ва садоқат туйғуларини изҳор этиш учун яна бир имконият туғилади ва барчамиз мана шу имкониятдан фойдаланишга шошиламиз.

Ҳеч кимга сир эмас, аёл зоти ҳақида, унинг қандай тенгсиз латофат ва нафосат соҳибаси экани, эзгулик ва фидойилик рамзи, хонадонларимизнинг файзу фариштаси экани ҳақида тарихимизда не-не улуғ мутафаккирлар, шоир ва алломалар қанча-қанча дил сўзларини баён этганлар.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, буюк Алишер Навоий бобомизнинг "Жаннат оналарнинг оёғи остидадир" деган мазмундаги ҳикматли сўзларини яна бир бор эслаймиз ва меҳрибон, муқаддас Она сиймоси олдида барчамиз бош эгиб таъзим қиламиз.

Мана шу байрам кунларида ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадонда қадрли опа-сингилларимизни эъзозлаш, уларни улуғлаш учун энг гўзал ва олижаноб таърифларни келтиришга интиламиз. Шу ўринда мен аёлларимиз шунга ишонишларини истардимки, айни мана шу 8 март байрами келиши билан биз ҳаммамиз шоир бўлиб кетишга тайёрмиз. Албатта, шоирга айланиш жуда қийин, лекин мен юртимизнинг барча мард ўғлонлари номидан аввало сиз, азизларга юксак ҳурмат ва эҳтиром билдириб, қалбларингизда неки эзгу ниятлар, орзу-интилишлар бўлса, уларнинг барча-барчаси албатта ижобат бўлишини, рўёбга чиқишини чин юракдан тилайман.

Бугун биз энг самимий дил сўзларимизни сиз, азизларга йўллар эканмиз, таъкидлаш жоизки, биз муҳтарама оналаримиз, опа-сингилларимизни, умр йўлдошларимизни ҳамма вақт ҳам ҳурмат қилиб келганмиз, лекин уларнинг биз учун нақадар қадр-қимматли, жондан азиз ва меҳрибон эканини англаш, уларни ҳар томонлама эъзозлаш мустақиллик йилларида янги босқичга кўтарилди.

Бундай қарашнинг сабаблари ҳақида гапирадиган бўлсак, айтиш керакки, мустақилликка эришганимиздан кейин бизнинг оилага, аёл зотига, умуман ҳаётга бўлган муносабатимиз бутунлай ўзгариб, тобора юксалиб бормоқда, ҳаётимизнинг маъно-мазмунига, асосий мақсадига айланмоқда.

Бу эса биз учун жуда муҳим бўлган бир фикрни, яъни "Ким эдигу ким бўлдик?", деган ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлаб бермоқда.

Барчамизга аёнки, дунёда давлат ва жамиятнинг нуфузи, демократик тафаккури, маданий даражасини кўрсатадиган мезонлар кўп. Лекин ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий камолотини гўёки ойнадек акс эттирадиган шундай бир мезон борки, у ҳам бўлса, жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, ҳурмати билан белгиланади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, аёлларни улуғлаб, ардоқлаб, бошига кўтариб яшайдиган халқ ўзининг юксак маданияти ва олижаноб қадриятларини амалда намоён қиладиган халқ сифатида жаҳонда обрў-эътибор қозонади.

Униб-ўсиб келаётган болаларимизни, ёш авлодимизни мана шу руҳда тарбиялаб вояга етказсак, шак-шубҳасиз, ҳеч қачон кам бўлмаймиз.

Шу маънода, айнан истиқлол даврида биз кўп нарсаларни худдики қайтадан кашф этгандек бўлмоқдамиз. Аёл гўзал бўлса – олам гўзал, аёл бахтли бўлса – оила, бутун жамият бахтли бўлади, деган қараш онгу шууримизга чуқур кириб бораётгани ва бизнинг ҳаётий фалсафамизга айланаётганини ҳар томонлама англаб етмоқдамиз.

Шулар ҳақида гапирар эканмиз, аёлларимиз хонадонларимизда, маҳаллаларимиз, бутун юртимизда ҳар доим ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳитининг, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт ўчоғининг энг кучли посбони бўлиб келган ва бугун ҳам ана шундай фазилатлари билан инсонни инсон, оилани оила қилиб келмоқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ҳурматли дўстлар!

Биз ўтган даврда мамлакатимизда эркин ва фаровон, демократик ҳаёт қуриш йўлида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, бир сўз билан айтганда, аёлларни жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли, фаол ва бунёдкор аъзосига айлантириш борасида қандай улкан ишларни амалга ошириб келаётганимиз ҳақида албатта барчангиз яхши хабардорсиз.

Бу ҳақда узоқ гапирмасдан, биргина ўтган йилнинг ўзида "Соғлом бола йили" дастури бўйича қилган ишларимизга қисқача тўхталадиган бўлсак, аввало, 13 миллион 600 мингдан зиёд аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, бунинг натижасида 2 миллион 800 минг аёл ва 2 миллион 500 минг бола соғломлаштирилганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Шу билан бирга, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш, истеъмол товарларини харид қилиш учун қарийб 215 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ва 57 миллиард сўмлик фоизсиз қарз маблағлари ажратилгани, спортчи қизларимиз учун 6 миллиард сўмлик спорт кийимлари бепул берилгани ҳам, ўйлайманки, аёлларимизга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир амалий намунаси бўлди.

Мухтасар айтганда, биргина "Соғлом бола йили" Давлат дастурини амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан 4 триллион 795 миллиард сўм ва 260 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланганининг ўзи, ҳеч шубҳасиз, бу борадаги фаолиятимизнинг кўлами ва миқёси нақадар улкан эканидан далолат беради.

Айни пайтда юртимизда хотин-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий савияси, ижтимоий фаоллиги тобора юксалиб бораётганини давлат ва жамият бошқарувининг барча бўғинларида, суд-ҳуқуқ тизимида, нодавлат ташкилотлар, ижтимоий тузилмалар фаолиятида, умуман, ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида яққол кузатиш мумкин.

Бу ҳақда гапирганда, Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 17 фоизини, Қонунчилик палатаси депутатларининг 16 фоизини аёллар ташкил этаётгани, шунингдек, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларида юзлаб опа-сингилларимиз фаол иш олиб бораётганини қайд этиш ўринлидир.

Бугунги кунда хотин-қизлар ўзининг билим ва тажрибаси, профессионал малакаси ва маҳорати ҳисобидан кўпгина жабҳаларда етакчи мавқеларни эгаллаб келмоқда. Ҳаётимизда тобора катта ўрин олаётган фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқлар, илму фан, тиббиёт, таълим-тарбия, маданият ва санъат каби ўнлаб муҳим соҳа ва тармоқлар ривожини аёлларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Шу ўринда ҳаётда кўп бора ўз исботини топган бир фикрга эътиборингизни қаратишни истардим.

Фақат соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Фақат ақл-заковатли, маърифатли оналаргина комил инсонларни тарбиялашга қодир бўлади.

Ана шу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда, мамлакатимизда хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ёш авлодни вояга етказишга қаратилган, узоқни ўйлаб, пухта ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил жорий этилаётган умуммиллий дастурларимиз бугунги кунда ўзининг улкан самарасини бераётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Бу ҳақда узоқ гапириш, кўп-кўп мисолларни олиб келиш мумкин, лекин мен фақатгина баъзи бир рақамларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Кейинги уч йил мобайнида мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари жаҳон миқёсида ўтказилган нуфузли фан олимпиадаларида ғолиб бўлиб, жами 110 та медални қўлга киритган бўлса, уларнинг 44 таси қизларимиз ҳиссасига тўғри келади.

Ёки санъат ва мусиқа соҳасида дунёнинг Париж, Рим, Берлин, Токио, Москва, Прага, Қоҳира, Сеул, Деҳли каби йирик маданият марказларида бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловларда 530 дан зиёд ўқувчи ва талабаларимиз ғолибликка эришгани ва уларнинг 240 нафарга яқини қиз болалар эканини мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир.

Кейинги уч йилда 1 минг 850 дан зиёд истеъдодли спортчи ёшларимиз халқаро мусобақаларда зафар қозонган бўлса, уларнинг 620 нафарга яқини айнан қизларимиз экани албатта ҳаммамизни қувонтиради.

Барчамизнинг суянчимиз ва таянчимиз бўлган фарзандларимизни, аввало, қизларимизни замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан турли жабҳаларда беллашувга қодир бўлган соғлом ва баркамол авлод этиб тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгини зарарли ғоя ва таъсирлардан ҳимоя қилиш йўлида сиз, жонкуяр опа-сингилларимизнинг фидокорона хизматларингиз учун ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак арзийди, албатта.

Шу гўзал байрам кунларида Ўзбекистон халқ шоираси, вафо ва садоқат куйчиси Зулфия таваллудининг 100 йиллиги бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланаётгани ҳам давлатимиз, жамиятимизнинг аёлларимизга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромининг яна бир амалий намоёни сифатида бу йилги 8 март айёмининг моҳияти ва аҳамиятини, кўрку таровaтини янада оширмоқда, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Қадрли опа-сингиллар!

Азиз ва гўзал қизларим!

Сизларни ўзингиз каби чиройли ва дилбар байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Фарзандларингиз ва яқинларингиз бахтига, элу юртимиз бахтига ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**



# БАҲОРЛАРИ КУЛГАН ЭЛ

**Ўлкамизга қутлуғ қадамлари, ҳаётбахш наволари, хуш нафаси билан фасллар келинчаги гўзал баҳор кириб келди. Ҳар йили такрорланадиган хушҳол онларнинг бу йилги файз-таровати ўзгача. Зеро, тарихимиз зарварақларига "Кексаларни эъзозлаш йили" дея битилажак 2015 йилимизнинг ҳар бир тонги эзгу тилак-истаклар оғушида кўз очади. Хосиятли йилимиз баҳори дарҳақиқат, илк кунларидан дилга яқин байрамларни бошлаб келди. Республика Президентининг Фармони билан улкан шодиёнага айланиб кетган атоқли шоира Зулфияхонимнинг таваллуд куни илиқ-иссиқ кунлар, кўтаринки руҳдаги маънавий-маърифий тадбирлар билан кўнгилларни сарафроз этди. Негаки, бу кунда нафақат севимли шоирамиз, балки унинг тимсолида ўзбек аёли улуғланди, қадди-басти осмонларга бўйлади. Унинг овозаси тинмай туриб, халқаро хотин-қизлар байрами тантаналари бошланиб кетди. Ҳа, эл-юрти тинч, халқи соғ-омон, фаровон ўлкага, албатта, байрамлар ярашади...**

(Давоми 2-бетда).

Шукрона

# ЭЪТИБОР УЧУН ТАШАККУР!

**Ўртачирчиқлик Раҳима ая Турсунбоева шу кунларда 100-баҳорини қаршиламоқда. Дориламон кунлар шукуҳи онахонни гўё ёшартириб юборгандек.**

– Одамнинг руҳи кўтаринки бўлса, соғлиғи ҳам панд бермайди. Мана, 23 йилдан буён мустақиллик неъматларига шукр қилиб яшаяпман. Яна шуни айтиб қўяй, "Меҳнат инсонни улуғлайди", дегани рост. Умр бўйи қишлоқда деҳқончилик қилдим. Айниқса, бу йил менга қўшалоқ байрам бўлди. Кексаларни эъзозлаш йилида 100 ёшимни нишонлаяпман. Соғлиғим жойида. Чунки, Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо, давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборини ҳис этиш ҳам инсон умрини узайтирар экан.

Илоҳим, ўзлари ҳам эл-юрт бахтига соғ-омон юрсинлар, бошлаган хайрли ишлари бардавом бўлсин!

**Саида ИКРОМОВА.**



**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

*Тошкент вилояти ҳокимининг қарори*

# «ТОШВИЛСУВОҚОВА» АЖНИ ИҚТИСОДИЙ ВА МОЛИЯВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ҲАМДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА УЗАТИЛАЁТГАН ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 5-сон, 65-модда; 2014 й., 24-сон, 297-модда) Қонуннинг 6-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 июлдаги 271-сон "Уй-жой-коммунал хизматларнинг ўз харажатларини ўзи қоплашига босқичма-босқич ўтиш муносабати билан норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги 05/5-15-сонли топшириғи ҳамда "Тошвилсувоқова" АЖни иқтисодий ва молиявий соғломлаштириш, истеъмолчиларга узатилаётган ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида**

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 июлдаги 271-сон "Уй-жой-коммунал хизматларнинг ўз харажатларини ўзи қоплашига босқичма-босқич ўтиш муносабати билан норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги 05/5-15-сонли топшириғи ижро учун қабул қилинсин.

2. "Тошвилсувоқова" АЖ акциядорларининг 2015 йил 20 февралдаги 2-сонли навбатдан ташқари йиғилиш баённомасига мувофиқ "Тошвилсувоқова" АЖнинг таркибий тузилмаси тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вилоят ҳокимлигининг Саноат, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги масалалари бўйича котибият мудири (Ш. Қўчқоров) ҳамда "Тошвилсувоқова" АЖ бошқарув раиси (Н. Аминов) тегишли ташкилотлар билан биргаликда:

10 кун муддатда ташкил этилаётган "Сувоқова" МЧЖларнинг янги таҳрирдаги Низомини ишлаб чиқсин;

"Сувоқова" МЧЖлар шаҳар ва туман филиалларининг асосий воситаларини ҳамда барча истеъмолчиларни 15 кун муддатда хатловдан ўтказсинлар, уларнинг молиявий иқтисодий кўрсаткичларини ўрганиб чиқиб, тегишли чора-тадбирлар белгиласин;

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 ноябрдаги 337-сонли "Ўзбекистон Республикасининг ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини модернизация қилиш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бўйича белгиланган комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин;

"Сувоқова" МЧЖлар ва уларнинг филиалларида ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш, абонентлар билан ишлаш учун 1 ой муддатда ягона "Биллинг" (автоматлаштирилган ҳисоб-китоб) тизимини жорий этилишини таъминласин.

4. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси (Ш. Абидов) белгиланган тартибда "Тошвилсувоқова" АЖ таркибидаги мавжуд "Сувоқова" МЧЖларни Табиий монополиялар субъектлари Давлат реестридан чиқариш ҳамда янги ташкил этилаётган "Сувоқова" МЧЖларни қайта реестрга киритиш чораларини кўрсин.

5. Вилоят Молия бошқармаси (Д. Убайдуллаев) "Тошвилсувоқова" АЖнинг таркибида янги ташкил этилган "Сувоқова" МЧЖларнинг ичимлик сув таъминоти ва оқова хизматлари тарифларини белгиланган тартибда қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

6. Тошкент вилояти шаҳар ва туман аҳолиси учун уй-жой санитария-техник жиҳозланганлик даражасига қараб, иссиқ ва совуқ сув ҳисоблагичлари ўрнатилмаган хонадонларга ичимлик суви сарфи меъёрлари вилоят бўйича аҳолининг хўжалик-ичимлик сув эҳтиёжлари учун сув истеъмол қилиш меъёрлари мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ, вилоят бўйича аҳолининг хўжалик оқова сув эҳтиёжлари учун сув сарф қилиш меъёрлари мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ ва вилоят бўйича аҳолининг хўжалик-ичимлик сув эҳтиёжлари учун сув истеъмол қилиш меъёрлари мазкур қарорнинг 3-иловасига мувофиқ тасдиқлансин.

7. Тошкент вилояти ҳокимининг 1997 йил 15 октябрдаги ф-206-сон "Уй-жойлардан фойдаланиш ва коммунал хизматлар кўрсатишдаги норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Абдуқодиров ҳамда Саноат, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникациялар ҳамда коммунал хўжалиги масалалари бўйича котибият мудири Ш. Қўчқоров зиммаларига юклатилсин.

9. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вилоят ҳокими** **А. УСМАНОВ.**

2015 йил 4 март, Тошкент шаҳри.

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

# БАҲОРЛАРИ КУЛГАН ЭЛ

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси Чирчиқдаги "Кимёгарлар" маданият саройида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан уюштирган байрам тадбирига отланган онахонлар ва опа-сингиллар дориламон кунлар шарофати ҳақида ҳаяжон билан сўзлашди, уларнинг самимий изҳору иқрорларидан кўнгиллар яйради.

– Қаранг, қандай гўзал Ватанда, тинчлик-омонликда яшаяпмиз, – дейди 75 ёшли Клара ая. – Ахир, олис-яқин юртлардаги нохуш воқеалар, жангу жадалларни кўрмаяпмизми? Шукр қилайлик, азизлар, шукр қилайлик...

– Тўғри, айтасиз, – дейди Маҳмудахон ая, – эрталаб оиламиз, фарзандларимизни ишга, ўқишга хотиржам, бехавотир кузатсак, ўзимиз ҳам улардан кўнглимиз тўқ, бамайлихотир ишласак... Давраларнинг тўри, юракларнинг кўри биз, аёлларга, хотин-қизларга аталган бўлса.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан ортиқ бахт борми?! Қаранг, она Табиат ҳам бизни сийлаб, қуёшли кунларини раво кўрмоқда...





Шу аснода карнай-сурнай садолари янграб турган кошонага етиб келган аёллар байрамона безатилган сарой ҳовлиси, миллий либослари ярашган, қўллари кўксида, тавозе билан кутиб олаётган чирчиқлик ўғил-қизларни кўриб, янада завқ-шавққа тўлдилар.

Вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмановнинг хотин-қизларга аталган табриги, дил сўзлари байрам иштирокчиларини чуқур ҳаяжонга солди.

– Муҳтарама онахонлар, қадрли опа-сингиллар! Бугун Сизларнинг шаънингизга ҳар қанча ҳамду сано айтсак, мақтовлар ёғдирсак кам, – деди вилоят ҳокими. – Зеро, аёл деганда, биринчи навбатда барчамизни дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб, вояга етказган муқаддас ва муътабар зот – Онамиз кўз олдимизга келади. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганларидек: "Андишали, сабр-матонатли, оилапарвар, фарзанди деганда ўзини ҳам унутадиган, меҳнатсевар, вафою садоқатли ўзбек аёли таърифу тавсифига тил ожиз".

Аслида аҳли аёлига эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий одати. Аммо, мустақиллик ўзбек аёлининг жамиятдаги ўрни ва ролини оширди. Натижада, ҳар соҳада фаол аёлларимиз жамиятимиз таянчига айланди... Қисқаси, оила мустаҳкамлиги, фарзандлар камоли йўлидаги беқиёс хизматларингиз учун вилоятимиз аҳли номидан барчангизга чуқур миннатдорчилик билдираман...

Ҳақиқатан ҳам, вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиғи, совға-саломлар, гулу гулдасталар, ажойиб концерт дастури аёлларга олам-олам қувонч бағишлади. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир шеърлари тадбирга алоҳида файз киритди. Байрамона либослари ярашган, гўзаллик, ҳаёю ибодан гулгун чеҳралар қувончдан порлади. Эл севган хонандалар, чирчиқлик ёш санъаткорларнинг чиқишлари барчага манзур бўлди.

– Мен Пискентнинг Равот қишлоғиданман, – дейди 80 ёшли фермер Марям ая Қўшоқова. – 55 гектар еримда буғдой, пахта етиштираман. Давлатимиз раҳбарининг биз аёлларга, тадбиркорларга эътибори, ҳурмат, эҳтироми, доим қўллаб-қувватлаши кўнглимга рағбат, белимга қувват беради. Шунинг учун ёшариб юрибман-да, айланай. Илоҳим юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин... Бугунгидай байрамларнинг кўпини кўриб юриш насиб этсин...

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

---

**Ўзбек Миллий академик драма театрида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ташкил этилган маданий-маърифий тадбир шундай номланди. Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбирда фан, таълим, маданият ва тиббиёт соҳаларида самарали фаолият юритаётган пойтахт вилоятилик фаол хотин-қизлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

# АЁЛИ ҚАДРЛИ ЮРТ

"Касаба уюшмалари – хотин-қизларга" акцияси доирасида ташкил этилган тадбирда аёлларнинг жамиятдаги мавқеини янада юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ҳамда маданий ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидланди.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастурил-амал бўлмоқда.

– Барча бўғинлардаги касаба уюшма ташкилотларида ушбу байрам тадбирларининг юқори савияда ўтишини таъминлаш мақсадида давра суҳбатлари, учрашувлар, кўрик-танлов ҳамда спорт мусобақалари ўтказилмоқда, – дейди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши масъул ходими Шаҳноза Одилхонова. – Турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган ҳамда оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшаётган фаол хотин-қизларни рағбатлантириш, юксак касб маҳорати билан барчага ўрнак бўлаётган меҳнат фахрийларини шарафлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўн нафарга яқин эҳтиёжманд ва ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизга "Умид гулшани" санаторийсида саломатлигини тиклаш учун бепул йўлланма берилди. "Саховат" уйларидаги боқувчисини йўқотган, жисмоний имконияти чекланган аёллар ҳолидан хабар олиниб, моддий қўллаб-қувватланди.

Ҳар йили кўплаб хотин-қизлар мамлакатимизнинг юксак унвонлари – орден ва медаллар билан тақдирланмоқда. Улар орасида Чиноз туманидаги 45-умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Муҳаббат Турсунхўжаева ҳам бор.

– Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеини янада мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар туфайли биз, аёллар муайян соҳаларда улкан натижаларга эришмоқдамиз, – дейди М. Турсунхўжаева. – Ўзимдан қиёс, кўплаб илмий ишланмаларим вилоятимиздаги умумтаълим мактабларида оммалаштирилди.

Тадбирда кундалик ҳаётда тез-тез учрайдиган ҳолатларни ўзида мужассам этган тарбиявий-маънавий аҳамиятга эга – "Йиғлама қиз" спектакли намойиш этилди.

Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган фаол аёллар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Б. ҲИДОЯТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

Сайлов – 2015

# КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ УЧУН СЕМИНАР





**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизғин тайёргарлик кўриш жараёнида аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида жойларда ҳудудий сайлов участкалари аъзолари учун семинарлар ташкил этилмоқда.**

**Малакали экспертлар ҳамда тарғибот-ташвиқот гуруҳи аъзолари вилоят шаҳар ва туманларида бўлиб, асосий эътиборни овоз беришни қонун талаблари асосида ўтказиш, халқаро ва маҳаллий кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ишлаш ҳамда участка сайлов комиссияси фаолиятига тааллуқли масалаларга алоҳида эътибор қаратишмоқда.**

– Семинарларда маърузачиларнинг сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини атрофлича шарҳлашлари, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари ва сайлов жараёнида қонунийликни таъминлаш, овоз бериш, жумладан, муддатидан олдин овоз беришга қулай шароит яратиш масалалари, пировард натижада аҳолининг сайловларда фаол иштирок этишига дахлдорлик ҳиссини кучайтиришга оид тавсиялари биз учун фойдали бўлаяпти, – дейди Зангиота туманидаги 640-участка сайлов комиссияси раиси Ибодулла Бобожонов.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.**



**СУРАТЛАРДА:** Оққўрғон, Пискент, Қуйи Чирчиқ туманларида бўлиб ўтган семинарлардан лавҳалар.

**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**

---

# *ҚАДАМИНГИЗ ОСТИДАДИР ЖАННАТ МУЛКИ*

*Сиз меҳрнинг тимсолисиз офтоб янглиғ,*
*Ҳар кўнгилга зиё сочган китоб янглиғ,*
*Саждаларга арзигулик меҳроб янглиғ,*
*Онажонлар – Сиз ҳаётнинг файзи, кўрки,*
*Қадамингиз остидадир жаннат мулки.*

*Сиз онасиз, тунлар бедор бешик тутган,*
*Не зотларга алла айтиб тонгни кутган,*
*Фарзандини ўйлаб, ўзини унутган,*
*Онажонлар – Сиз ҳаётнинг файзи, кўрки,*
*Қадамингиз остидадир жаннат мулки.*

*Ибонгиз-ла, вафонгиз-ла, бериб сайқал,*
*Меҳр деган соф туйғуга қўйган ҳайкал.*
*Тоғлар мудрар Сизлар алла айтган маҳал,*
*Онажонлар – Сиз ҳаётнинг файзи, кўрки,*
*Қадамингиз остидадир жаннат мулки.*

*Ижобатдир бешак қилган дуоингиз,*
*Меҳрларга ҳайкал – мунис сиймоингиз,*
*Обод бўлсин мудом икки дунёингиз,*
*Онажонлар – Сиз ҳаётнинг файзи, кўрки,*
*Қадамингиз остидадир жаннат мулки.*

*Мадҳингизни қилсам етгай фалакларга,*
*Хуш келгайдир самоларга, малакларга,*
*Сиз лойиқсиз барча эзгу тилакларга,*
*Онажонлар – Сиз ҳаётнинг файзи, кўрки,*
*Қадамингиз остидадир жаннат мулки.*

*Мадҳингизга сўз етмайин, бўлган адо,*
*Шоир Ҳамид бўлиб қолган сўзга гадо,*
*Сўз етмаса, қилмоққа шай жонин фидо,*
*Онажонлар – Сиз ҳаётнинг файзи, кўрки,*
*Қадамингиз остидадир жаннат мулки.*

**Абдуҳамид МУСОҚОВ.**

---

Депутат минбари

**Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси "Тиббиётда янги кун" тиббий алоқалар маркази ҳамда Ангрен шаҳар Кенгаши депутатлари ҳамкорлигида Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан "Облиқ" маҳалласида "Саломатлик" амалий-тарғибот тадбирини ташкил этди.**

# «ЭЪЗОЗИНГДАН АЙЛАНАЙ, ВАТАН...»

...Яхши хабарнинг қаноти бўлади, деганлари рост экан. "Облиқ"қа бир гуруҳ депутатлар, республикада кўзга кўринган шифокор-олимлар келишиб, кексалар, жумладан, тиббий маслаҳатга муҳтож турли ёшдаги фуқаролар билан суҳбатлашиб, амалий ёрдам кўрсатишаётганмиш" деган гап эрталабданоқ ён-атрофдаги маҳаллаларга ҳам тарқалди. Учрашувга қариялар ва аёлларни бошлаб келган "Гурум", "Чинниобод", "Ҳаккарман" ҳамда Ғафур Ғулом номли маҳаллалар фаолларини шу ҳудуддан сайланган вилоят ва шаҳар Кенгашлари депутатлари кутиб олишди. Бошига оппоқ рўмол ташлаган бир онахоннинг қўлида чиройли гулдаста...

– Маҳалламиз раиси Гулчеҳрахондан меҳмонлар орасида эл таниган шифокор-олим Жуманазар Бекназаров борлигини эшитиб, қилаётган ишимни йиғиштирдим-у, уларга қўшилиб келавердим, – дейди онахон тўлқинланиб. – Чунки бу шифокорнинг "ойнаи жаҳон" орқали чиқишларини мунтазам кузатиб бораман ва тавсияларига амал қиламан.

Доимий комиссия аъзолари ҳамроҳлигида залга кириб келган меҳмонларни йиғилганлар самимий қарши олишди. Таниқли нефроуролог олим, профессор, "Тиббиётда янги кун" журнали бош муҳаррири Жуманазар Бекназаров, Тошкент педиатрия тиббиёт институти офтальмология кафедраси мудири, профессор Ботир Бузруков, болалардаги ичак касалликлари бўйича етук мутахассис-жарроҳ, профессор Абдурашид Ҳамроев, буйрак-тош касалликларини операциягача даволаш ва жарроҳлик операциясидан сўнг қайталанмаслиги ҳамда эркаклар бепуштлигини самарали даволаш бўйича алоҳида услублар асосчиси, уроандролог, профессор Қўчқор Деҳқонов... Уларнинг айнан Ангрен шаҳри ҳудудида кўпроқ учрайдиган касалликлар турлари ва келиб чиқиш сабаблари, шунингдек, бартараф этиш усуллари тўғрисидаги суҳбатлари иштирокчиларнинг кўнглидаги мавзу бўлгани учунми, маърузалар қизғин савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга уланиб кетди.

"Кейинги пайтда соғлигимда жиддий ўзгаришлар бўлаяпти. Бу қариликдан деб, дўхтирга бормай юргандим, афсус... энди қаерга мурожаат қилай?", "Набирам қаттиқ йиғлаган пайтида кўкариб кетади, бу вақтинчадир деб эътибор қилмасдик, бугунги суҳбатдан кейин хавотирга тушиб қолдим, шу боламни бир кўриб қўёлмайсизми?", "Ўт пуфагимдаги тош анчадан бери безовта қилади, лекин операция қилдиришга иккилanaяпман, маслаҳат беринг", "Ўғлимни уйлантирганимизга уч йил бўлаяпти, лекин фарзандлари йўқ..." каби мурожаатлар эътиборга олиниб, тадбирни фуқароларни кўрикдан ўтказиш билан давом эттиришга қарор қилинди.

Шифокорлар маҳалла врачлик пунктида махсус тайёрлаб қўйилган алоҳида хоналарда ўз йўналишлари бўйича отахон ва онахонларни, шу жумладан, тиббий маслаҳатга муҳтож турли ёшдаги фуқароларни кўрикдан ўтказишга киришдилар. Тиббий кўрик мобайнида кўплаб беморларга кейинги даволанишни давом эттириш юзасидан амалий маслаҳатлар берилди, маҳаллий шифокорларга ташҳисни тўғри қўйишда илмий-амалий ва услубий ёрдам кўрсатилди.



– Профессор Ж. Бекназаров мени безовта қилаётган касалликка аниқ ташҳис қўйиб, даволашнинг самарали усулларига оид қатор тавсиялар бердилар, – дейди пенсионер Мавлуда Нормирзаева кўзларида ёш билан. – Лекин мен ўзимдан кўра кўпроқ келинимнинг дардига шифо топилишини истаб бу ерга келдим. Бир ярим йилдан бери уни олиб бормаган жойимиз, кўрсатмаган табибимиз қолмади. Бироз яхши бўлади-ю, кейин яна хасталаниб, оёқ-қўли шиша бошлайди. Болагинам тузалмас дардга йўлиқмаганмикин, деб жуда хавотирда, ич-этимизни еб юргандик. Бугун умид билан профессор Қ. Деҳқоновнинг қабулига кирдик. Келиним билан суҳбатлашиб, тиббий текширувдан ўтказган шифокор: "Касаллик буйракда эмас, кўрик хулосасига асосланиб айтишим мумкин, келинингизни қийнаётган нарса – аллергия", деди ва мутахассис шифокорга учрашиб, даволаниш юзасидан тавсиялар берди. Шу бўйича тегишли шифохонага профессор имзоси билан йўлланма ҳам олдик. Биз каби пенсия ёшидаги фуқароларнинг соғлигини ўйлаб, барча шароитларни яратиб бераётган ҳукуматимизга минг раҳмат.

– Менинг соғлигим ҳозир анча яхши. Вақти-вақти билан ўзимизнинг шифокорлар кўригидан ўтиб тураман, – дейди Турғунбой ота Пардаев. – Шундай бўлса-да, пойтахтдан келган шифокор олимларнинг қабулига кирдим. Хурсанд бўлган жойим, улар ўзлари аниқлаган хасталик аломатларини арзон ва синалган дори воситалари ҳамда табиий гиёҳлардан тайёрланган дамламалар ёрдамида самарали даволаш йўлларини тушунтириб беришди.

Шу маҳалладаги 28-мактабнинг юқори синф ўқувчиларидан бир гуруҳи тортинибгина тиббий муассасага келишганида қабул охирлай деб қолган эди. Уларнинг саволларини шифокорлар эътибор билан тинглашди: "Ўртоқларимдан бўйим сал пастроқ. Айтинг-чи, бўйимни ўстириш учун нима қилсам бўлади?", "Бармоғимда сўгалга ўхшаган кичкина яра пайдо бўлган. Уни йўқотиш учун нима қилай?", "Жаҳлим чиқса, кўзим қизариб кетади. Бу касалликми?"

– Кимлар учундир бироз кулгули туюладиган бу каби саволларга моҳияти жиҳатидан жуда жиддий ва ўз ўрнида қўйилган масала деб қараш керак, – дейишди профессорлар Абдурашид Ҳамроев ва Ботир Бузруков. – Биз болаларнинг ўз соғлиқларига беэътибор эмасликларидан жуда хурсанд бўлдик. Юқоридаги ҳолатларга сабаб бўлган омилларни ҳамда бартараф этиш йўлларини бажонидил тушунтириб бердик.

Инсон қадр-қиммати ҳар нарсадан устун қўйиладиган, кексаю-ёш, эркагу-аёлларга эътибор ва эҳтиром кўрсатиладиган жамиятда чинакам ривожланиш бўлади. Буни мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижаси яққол кўрсатиб турибди. Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан ташкил этилаётган кўплаб хайрли ишлар, эзгу амаллар, ободлик ва фаровонлик, олис қишлоқлардаги энг чекка хонадонларда ҳам одамларнинг шукроналик билан яшаётганлари мустақил давлатимизнинг юксак инсонпарварлик сиёсати ифодасидир. Тадбир иштирокчиси Санобар Шукурова айтганидек: "Биздек оддий фуқароларнинг соғлиги тўғрисида қайғурилгани, айниқса, аёллар соғлиги, тинчлик-хотиржамлиги миллат келажаги учун муҳим деб ҳисоблангани учун ҳам Ватанимдан миннатдорман!"

**Зарифа ЭРАЛИЕВА,**
**Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.**

---


ЭЪЛОН

## ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Тошкент вилояти ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги 12-сон "Вилоят ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида"ги фармойишига асосан сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини танлаб олиш бўйича вилоят Танлов комиссияси фаолият юритмоқда. Комиссия 2015 йил II чорак апрель ойи учун Тошкент ҳарбий округи таркибига кирувчи ҳарбий қисмларга сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича қуйидаги маҳсулотларга танлов эълон қилади:**

*1. 1 навли ундан чиқарилган нон*
*2. Қотган нон*
*3. Биринчи навли ун*
*4. Иккинчи навли ун*
*5. Дудланган гўшт (O'z DSt 994-2001)*
*6. Иккинчи тоифали гўшт маҳсулоти (ГОСТ 779-55)*
*7. Товуқ тухуми Д-1 (O'z DSt 626-2004)*
*8. Ярим дудланган колбаса маҳсулоти (O'z DSt 148-2001, ГОСТ 16351-86)*
*9. Пишлоқ 45 фоиз (жир O'z DSt 628:2001, ГОСТ 7616-85)*
*10. Кефир 2,5-3,2 фоиз (O'z DSt 1086:2005, O'z DSt 1086:2011)*
*11. Сметана 25-30 фоиз (жир O'z DSt 1084-2011)*
*12. Творог 18 фоиз (O'z DSt 119-2003c)*
*13. Томат пастаси 30 фоиз (ГОСТ 3343-89)*
*14. Карам янги узилган*
*15. Помидор янги узилган (ГОСТ 1725-85)*
*16. Бодринг янги узилган*
*17. Редиска*
*18. Қуритилган мевалар*
*19. Мева шарбатлари (ГОСТ 656-79, ГОСТ 657-79, ГОСТ 16366-78, ГОСТ 937-72)*
*20. Компот консерваланган*
*21. Хамиртуруш (дрожжи) (ГОСТ 171-81, ГОСТ 28483-90)*
*22. Маргарин*
*23. Шоколад*
*24. Конфетлар*
*25. Мураббо*
*26. Кофе эрувчан*
*27. Кофе бошоқли*
*28. Тайёр горчица*
*29. Мурч*
*30. Лавр барги*
*31. Сирка*
*32. Мевалар экстракти.*

Танловда мазкур маҳсулотларни етказиб бериш бўйича тажрибага эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ танловларда иштирок этиш ва маҳсулотлар етказиб бериш бўйича фаолияти тақиқланмаган фермер ва деҳқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш ҳамда савдо корхоналари иштирок этишлари мумкин.

Ёзма аризаларда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим: хўжалик субъектининг тўлиқ номи, почта манзили, телефон ва факс рақами, электрон почта манзили, Ф.И.Ш.

Ёзма аризалар ва танлов таклифлари солинган конвертлар қуйидаги манзилга топширилади: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти. Ёзма аризалар ва муҳрланган конверт 2015 йил 2 апрель кунидан кечиктирмасдан тақдим қилиниши лозим.

Конвертга қуйидаги ҳужжатлар солинган бўлиши керак:
- маҳсулотлар номи, нархи ва ҳажми кўрсатилган тижорат таклифи;
- гигиена, сифат ва карантин бўйича сертификатлар;
- лицензия, корхона низоми ва паспорти нусхалари;
- солиқ ва хизмат кўрсатувчи банкдан қарздорлик мавжуд эмаслиги;
- мавжуд ишлаб чиқариш майдони, омбор (музлаткич) тўғрисидаги маълумотномалар.

Танлов таклифлари солинган конвертларни 2015 йил 3 апрель куни Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносида (3-қават) танлов қатнашчилари ёки уларнинг вакиллари иштирокида очиш режалаштирилмоқда.

Маълумот учун телефонлар: (8-371) 236-29-10, 233-75-11, 232-80-95, 232-80-25.

## Тошкент вилояти Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти жамоаси

*азиз ва қадрли опа-сингилларимизни*

# 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

**байрами билан табриклайди.**

*Сизларни она диёримизда баҳор ва тириклик фаслини, гўзаллик ва таровaт айёмини бошлаб келувчи байрамингиз билан қалбимиз тўридаги энг эзгу тилакларимиз, чексиз меҳр ва эҳтиромимиз ила чин дилдан муборакбод этишдан беҳад бахтиёрмиз. Хонадонларингизга тинчлик-осудалик, қалбларингизга севинч ва шодликлар ҳамиша, ҳар доим ҳамроҳ бўлсин!*

Ⓣ

## Бу – қизиқ

• 2004 йил. Мэри Убауди автомобилни ҳимоя камарисиз сотгани ва шу туфайли автоҳалокат содир бўлганини айтиб, "Мазда Моторс" устидан даъво аризаси бериб, 150 минг доллар талаб қилган.

• 2006 йил. Аллен Рэй Хеккард – Майкл Жордан ва "Найк" компаниясига қарши даъво аризаси киритган. Хеккарднинг айтишича, машҳур баскетболчидан 3 дюйм паст, 25 фунт енгил ва 8 ёш катталигига қарамай, уни кўпинча Жордан билан адаштиришар экан. Шу боис у "туҳмат ва доимий руҳий зарбалар" учун 52 миллион доллар ҳамда "руҳий азоб ва қийноқларнинг ўрнини босиш учун" 364 миллион доллар миқдорида товон пули талаб қилган. Худди шундай даъво "Nike" асосчиси Фил Найтга ҳам билдирилди ва товон пулининг умумий миқдори 82 миллион долларни ташкил қилди. У "Nike" ҳуқуқшунослари билан гаплашгандан сўнг ўз даъвосидан воз кечди, чунки адвокатлар унинг устидан ҳам жавоб тариқасида даъво аризаси билан судга мурожаат қилишларини билдиришган.

• 2007 йил. Вашингтонлик судья Рой Персон шими йўқолиб қолгани учун кимёвий тозалаш корхонасини устидан даъво билан судга мурожаат қилди. Судья Персон шимини 65 миллион доллардан қимматроқ баҳолади. Олий суд Персоннинг даъвосини рад этиб, кимёвий тозалаш корхонасини зарарни қоплашга мажбур қилди. Бироқ, энди судья бўлиб ишламаётган Персон ҳали ҳам суд қароридан норози бўлиб, шикоят қилишга уриниб юрибди.



## ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИ УЧУН 960 УРИНИШ

Жанубий Кореяда яшовчи 70 ёшли Чха Са Сун ниҳоят ҳайдовчилик гувоҳномасини олди. У илк имтиҳонларни 2005 йилда топширган, аммо синовдан ўта олмаган. Шундан бери назарий имтиҳонларни деярли ҳар куни, амалий имтиҳонларни эса 10 мартагача топширган. Ортга чекинмайдиган бу аёлнинг қатъияти уни миллий қаҳрамонга айлантирди. Hyundai компанияси эса воқеанинг ижобий якунидан сўнг бу аёлга машина совға қилди.

## АЁЛЛАР МАШИНА ТУЗАТИШАДИМИ?!

Маълумотларга кўра, автомобиль эҳтиёт қисмларини янгидан сотиб олувчиларнинг 65-80 фоизини аёл ҳайдовчилар ташкил этаркан. Аёллар уларни тузатишдан кўра янгисини харид қилиш осон деб билишади ёки усталарга ишонишмайди.



*Хитойлик Кси Квипинг дунёдаги энг узун сочли аёл ҳисобланади.*

## XXI аср ва дунё

## КОАЛАЛАРГА ҚИРОН КЕЛТИРИШДИ



**Австралия ҳукуматининг буйруғига мувофиқ мамлакатнинг жануби-шарқий қисмидаги Виктория штатида 700 га яқин коала қириб ташлангани ҳақида хабар тарқатди AFP агентлиги.**

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазири Лиза Невиллнинг гапига қараганда, мамлакатнинг машҳур курорти ҳисобланувчи Отвей туманига яқин ҳудуддаги коалалар учун емиш камайиб кетиб, улар оғир аҳволга тушиб қолган. Шу боис ветеринария врачлари тинкаси қуриган, шунингдек, касаллик аломати бор жониворларни ажратиб олиб, сунъий йўл билан ўлдиришга мажбур бўлишган. Вазир яна таъкидладики, бундай тадбирлар келгусида ҳам давом эттирилади.

Коалаларга бу тарзда қирон келтириш ҳайвонлар дунёси ҳимоячиларининг кескин эътирозига сабаб бўлди. Улар маҳаллий ҳамда марказий ҳукуматни хўжасизликда ва экология муаммоларга эътиборсизликда айбладилар.

Бугунги кунда Австралияда 100 мингга яқин коала мавжуд бўлиб, улар аста камайиб бораяпти.

## ҚАРШИЛИК ҚИЛГАНИ УЧУН ОТИБ ТАШЛАНДИ



**Американинг Лос-Анжелес шаҳрида ҳуқуқ-тартибот кўриқчиларига қаршилик кўрсатгани учун отиб ўлдирилган уй-жойсиз киши оқибатда Франция фуқароси бўлиб чиқди.**

Полициячи Эндрю Смитнинг айтишича, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари очиқ майдонда палатка тикиб яшаётган киши билан музокарага киришганларида у жисмоний қаршилик кўрсатиб, муштлаша кетди. Шунда уч полициячи унга қарата ўқ узишди. Натижада жабрланувчи шу жойнинг ўзида вафот этди.

Маълум қилинишича, франциялик фуқаро аввал банкни ўмаргани учун 14 йил турмада ётиб, ўтган йилнинг майида озодликка чиққан. Los Angeles Times газетасининг таъкидлашича, шу ерда яшовчилардан бири айтдики, полиция ходимлари бу уй-жойсиз кишидан кўча юзидаги палаткасини йиғиштириб олишни бир неча бор илтимос қилган. Қонун бўйича уйсиз кишиларга ушбу туманда кечаси палатка тикиб ухлаш, эрталаб эса уни дарҳол йиғиштириб олишга рухсат берилган.

## ЎЙИНДАН ЎҚ ЧИҚДИ

**Associated Press агентлиги полиция маълумотига таяниб тарқатган хабарда келтирилишича, Американинг Теннесси штатида 3 ёшли ўғил бола ўзининг 1,5 яшар укасини тўппончадан отиб ўлдирган.**

Хиллсборо шаҳрида юз берган ушбу фожиадан сўнг миясидан ўқ еган гўдак зудлик билан шифохонага келтирилди. Полициячилар аниқлашдики, 3 ёшли бола автомат тўппончадан ўқ узган. Аммо, тўппонча унинг қўлига қандай тушиб қолгани ҳеч кимга маълум эмас.

Январь ойининг охирида ҳам АҚШнинг Миссури штатида 5 ёшли бола 9 ойлик гўдак укасини ўз уйларидан топиб олган тўппончадан отиб қўйган. Декабрнинг охирларида эса 2 ёшли бола Айдахо штатидаги супермаркетлардан бирида тасодифан ўз онасини отган. Натижада аёл шу жойнинг ўзида ҳалок бўлди. Маълум қилишларича, 29 ёшли бу аёл 4 боласи билан супермаркетга кирган экан. Боласи эса унинг сумкасидаги тўппончани топиб олган.

## ЯШИРИН МУҲОЖИРЛАР БОШ КЎТАРИШДИ



**Тинч уммонидаги Науру орол давлати ҳукумати яширин муҳожирлар учун мўлжалланган Австралия лагерида норозилик акциясида иштирок этгани учун 183 қочоқни ҳибсга олди.**

Сиднейдаги газеталардан бирининг ёзишича, бу муҳожирлар Австралияга ўтишга уринганлар. Австралияга жўнатишларини талаб қилган 140 маҳбус озод этилди. Адвокатларнинг маълум қилишича, темир панжара ортида ҳали 150 га яқин муҳожир бор.

Науру ҳукумати матбуот котиби муҳожирларни мамлакат қонунларини ҳурмат қилишга чақирди. "Бу қочоқлар муаммоси эмас, балки қонун ҳамда тартиб масаласидир. Биз ҳамма одамларга бирдек муносабатда бўламиз, улар маҳаллий аҳоли бўладими ёки қочоқлармми, фарқи йўқ", деди у. Шунингдек, у яширин муҳожирлар оролнинг бош магистралини тўсиб қўйганлари учун қамоққа олинганларини айтди.

## АМЕРИКА ЭЛЧИСИГА ҲУЖУМ



**АҚШнинг Жанубий Корея пойтахти Сеулдаги элчиси Марк Липперт пичоқ билан куролланган киши ҳужуми натижасида жароҳатлангани ҳақида хабар тарқатди "Ренхап" агентлиги.**

Воқеа Липперт нутқ сўзлаш учун йўл олаётган пайтда юз берди. YTN телеканали берган ахборотга кўра, қуролли киши "Жанубий ва Шимолий Корея бирлашиши лозим" дея ҳайқирган ҳолда элчига ташланган. Жароҳат олган Липпер шифохонага келтирилди. Телеканалнинг таъкидлашича, жароҳат унинг ҳаёти учун хавфли эмас. Жиноятчи эса қўлга олинди, бироқ унинг шахси ва нега шундай қилганлиги ҳақида маълумот тарқатилмади.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Наргис ҲАСАНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-2321. Адади 16011. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00.